



ВАТАНПАРВАР

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, 22 март, сешанба № 35 (2079).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Вторник, 22 марта, 2005 год, № 35 (2079).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу — цена свободная

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Она заминимиз узра офтоб чарақлаб, беғубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу кутлуг ва мунаввар кунларда сиз, қадрли юртдошларимни бу улғу айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлариди — азим пойтахтимиз Тошкентда, гўзал Фарғона водийси, кўҳна Самарқанду Бухоро, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасида, Сурхон ва Қашқадарё, Навоий ва Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида — боғу роғлар, қир-адирлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзи оламни катта хурсандчилик билан байрам қилаётган инсонларга, бутун Ўзбекистон аҳлига ўзимнинг самимий тилакларим ва хурмат-эҳтиромимни ихсдор этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Биз Наврўз айёмини ҳамиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Борлиқ чирой очиб, яшариб-янгиланаётган мана шу фусункор паллада Наврўз бамисоли эшик қоқиб, «Ассалом, эй азиз инсон!» деб остонамиздан кириб келаётгандек туюлади. Ва ўз навбатида биз ҳам, шу саховатли заминда истиқомат қилаётган жамии инсонлар «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг кутлуг бўлсин!» деб унга пешвоз чиқамиз.

Бу дилбар фаслда табиатнинг уйғониши, майса-тиёҳларнинг тупроқни ёриб кўёшга интилиши, куртакларнинг очилиши, камалакнинг турфа ранга товланиши — еру кўкда рўй берадиган буюқ ўзгаришлар, илоҳий мўъжизалар ҳар қандай инсонни ҳам ҳайратга солади. Табиатнинг очилиши билан одамзот қалбиди ҳам мудраб ётган эзгу ҳиссиётлар уйғонади.

Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, Улас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намойиш этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида ажодларимиз, ота-боболаримиз кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга қувват берадиган сумалак ва халим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризку рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклар намшадисини сурганлар.

Бугун ҳам ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилиб бораётган сулув қизларни, дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, хурсандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осойишталикнинг нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётнинг қадрини янада тереяроқ англаймиз.

Мана шундай шуқудли дақиқаларда табиат ҳам бамисоли она сингари бағрини очиб, одамларга меҳр улашади, уларни эзгулик ва яхшиликка чорлайди. Ҳар қайси инсон бу ганимат дунёда Оллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, бир-бирига, ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, нуруний кекасларимизнинг дусини олишга, беморлар, етим-есир, кўнгли ярим кишиларга ёрдам ва кўмак беринга интилади ва бундай савобли ишлардан беихтиёр ўзининг ҳам дили ёришади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида бўлиб ўтаётган шодиёна сайилларда миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг иштироқ этаётгани, кўндалб хорижий меҳмонларнинг бизнинг қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз «Сихат-саломатлик йили»нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмоқда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда кўзда тутилган мақсадлар, аваламбор, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш боришига қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, ишшоолдоқ.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Янги кун, янги йил бошланаётган шу нурули-мас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз энг аввало Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушласин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!
Дўстларимиздан меҳру оқибат, файзу барака ари-масин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Гуллар ифориға чўмилар замин,
Булбул чала бошлар сехри найин,
Васфингни саболар куйлайди майин,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.

Сенинг марҳаматинг бу меҳри-оташ,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.
Замин бу муродбахш меҳрдан сармаст,
Табиат энгкиби олади нафас,
Қушлар гулжониди мушоира, баҳс,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.

Баҳру байт ёғилар заминга бу чоғ,
Кумри хоншига тўлар қиру боғ,
Шукрона ўқийди кўз очган булоқ,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.
Ҳар жонга ризқ унар унинг пойида,
Малаклар яширин ол чиройида.

Жилғалар маст оқар васли қўйида,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.
Эзгулик йўғилган рўзи-азалим,
Аждодлар мадҳ этган боқий газалим,
Асрлар асралган Оллоҳ назарим,
Ташрифинг муборак, янги кун — Наврўз.

ҲАЛОВАТЛИ ЭЛНИНГ ТАРОВАТЛИ САЙЛИ

Гўзал диёримизга қадимий ва ардоқли байрамимиз — Наврўз кириб келди. Ҳар ёнда-кўклар сурури кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Наврўз — ажодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми.

Табиат кун оша гулларга бурканаётган, орзу-армонларимиз ушалади, янги умидларимиз майсалек ниш отаётган, истиқлолимиз офтоби кундан-кун чарақлаб, бизга илҳом ва шижоат бағишлаб турган шу файзли дамларда юртимиз айниқса ўзгача жозиба касб этган. Халқимиз Наврўзни ота-боболаримиз каби гавжум сайилтоҳларда, диёримизнинг барча ғўшаларида ҳар тағилдан ҳам фусункор ва кенг миқёсда — сайил тарзида нишонлаётир.

Пойтахтимизнинг кўркам боғ ва хиёбонлари, майдонлар узра эрта тонгданок мумтоз куй-қўшиқлар, лапар ва яллалар, мушоираю наволар янграмоқда. Юртимиз аҳли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқига Наврўз табриги»ни кўтаринки руҳ билан кутиб олади. Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, «Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида ажодларимиз, ота-боболаримиз кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга қувват берадиган сумалак ва халим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризку-рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклар намшадисини сурганлар».

21 март. Соат 10.00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи байрамона безатилган. Бу ерга пойтахтимиз маҳаллаларидан муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчиюналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф бу-юрғанлар.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов йилги тағилларни байрам билан кутгади.

Майдон узра янги кун, янги йил ибтидоси Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралди. Жилдираб оқётган сув салоси, қушлар сайраши, гулларнинг чаппар уриб очилиши кўклардан дарак беради. Баҳор фаслини бутун кўрки, таровати ва

жозибаси билан яққол намойиш қиладиган муслиқий оҳанглар, лобар қосқлар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаб, тинч ва осойишта, дунёда ўзининг юксак ўрни ва мавқеини эгаллаб, халқимиз эса сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари, бунёдкорлик қайфияти билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда. Ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун қўб-ларимиз шукроналик туйғуларини лиммо-лим.

(Давоми 2-бетда).

БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ АВЖИДА

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейида ҳам яшариш ва янгилашиш, гўзаллик ва эзгулик байрам бўлимиш Наврўзга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Биллим даргоҳи томон бораётган, карнай-сурнай салоларини, жарчиларини: «Одамлар одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмади деманглар, эшитганлар жилманглар, заминга Наврўз келди...» каби чакриқини эшитиб, сеvimли байрамимизнинг, миллатимиз, халқимиз айналарига хос тарзда бошланаётганини эдилем.

Лицей ҳовлисида кирдимиз, «бу ерда ўзига хос тўй бўлипти» деган фикр ўтди хаёлимдан. Турли баҳорий таомлар билан безалган катта байрамона дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлар ва мезбонлар, янги устоз-офицерлар, ўқитувчилар, тарбияланувчилар ранг-баранг дастурхон асосидаги чиқишларни томоша қилаётган эдилар.

Тадбир давомида йилги тағилларни баҳор байрами муносабати билан муборакбод этиб, ўзининг эзу тилак ва ниятларини билдирганлар, самимий табригини йўллаганлар қолаверса, совға-салом улашганлар кўп бўлди. Лицей директори ва ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан — бошқарма бошлиғи Алишер Тўйчиев ҳамда масъул ходим Турсуноқул Муҳидинов,

Республика «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг етакчи мутахассисларидан Эльмира Турсуновалар шулар жумласидандир.

Ўқорида, байрам дастури ранг-баранг тарзда тўзилган, деч татқилланди. Чунки, унда миллий урф-одатларимиз, дунё тарихида ўчмас из қолдирган буюқ ажодларимиз ҳаёти ва ижодидан олинган ибратли лавҳалар, Миллий академик драма театри актёрлари тақдим этган эшитиб, сеvimли байрамимизнинг, миллатимиз, халқимиз айналарига хос тарзда бошланаётганини эдилем.

Лицей ҳовлисида кирдимиз, «бу ерда ўзига хос тўй бўлипти» деган фикр ўтди хаёлимдан. Турли баҳорий таомлар билан безалган катта байрамона дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлар ва мезбонлар, янги устоз-офицерлар, ўқитувчилар, тарбияланувчилар ранг-баранг дастурхон асосидаги чиқишларни томоша қилаётган эдилар.

Тадбир давомида йилги тағилларни баҳор байрами муносабати билан муборакбод этиб, ўзининг эзу тилак ва ниятларини билдирганлар, самимий табригини йўллаганлар қолаверса, совға-салом улашганлар кўп бўлди. Лицей директори ва ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан — бошқарма бошлиғи Алишер Тўйчиев ҳамда масъул ходим Турсуноқул Муҳидинов,

Лицейнинг бундай тадбирлар ўйин-кулгусиз, қуй-наволарсиз ўтмайди. Санъаткорларнинг муҳ-шодон кўшиқлари, янграган тароналар байрамга ўзгача фаёз бағишлаб, томошабинлар кайфиятининг яна-да кўтарилишига хизмат қилди.

Назаримда, тадбир жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди. Ишончликомлик, юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган байрам тантаналарининг ҳар бирини бундайла мароқли ва ажойиб тарзда ўтди, ўтмоқда ва ўтади. Лекин, бир нарсани аниқ айтиш мумкин. Наврўз шодиёналарини, умуман баҳор шуқудини ҳали узоқ давом этди.

Лейтенант

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

СОЗИДАНИЕ И ПРАЗДНИКИ К ЛИЦУ НАШЕМУ НАРОДУ

В годы независимости наша страна превратилась в огромную строительную площадку. Именно чувство сопричастности к созданию этой страны кроется в основе каждого праздника, который мы отмечаем. Именно поэтому каждый из нас должен внести свой вклад в создание этой страны.

Узбекистан Ислам Каримов 19 марта — в день весеннего равноденствия — ознаменовался с началом проведения в столице строительной и социальной работы.

Глава государства ознакомился с планом обновления Бешагача. Обратил особое внимание на важность гармоничности окружающей среды, чистоты воздуха, каналов, мостов и дорог, деревьев и цветников.

Каждая площадь столицы должна иметь своеобразие архитектурного решения, облика и этой части города.



Баҳорини «фаслар келинчаги» дейишади. Дарҳақиқат, келин билан бирга хонадонга файзу тароват, нафосат ва гўзаллик ҳам қадим қўяди. Тўй қилиш, келин туширишни хонадон аҳли орзиқиб куттади, баҳорини ҳам барча бирдай энгкиби, соғиниб қаршилайди. Демак ҳар иккаласи ҳам эзгуликка, гўзалликка йўлдош оиланинг рамзи дур.

Баҳор табиатининг уйғониш фасли. Бундан ташқари ушбу фасл бетақдор байрамларга, шуқудини айёмларга бойлиги билан ҳам аҳамиятлидир. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини сифатида баҳорнинг илк байрамларидан саналса, кўп ўтмай Наврўзи олам шодиёнаси сайёрамизнинг жуда кўп жойларида тантанавор нишонланади.

(Давоми 2-бетда).



Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ фаровонлиги — миллий ғоя асоси

ЭЗГУЛИК УРУҒИН ЭЛАГИН, НАВРЎЗ

Томирларда ҳаёт қайтадан жўш ураётгани муборак. Деразани очасиз, ичкарига ёпирилиб баҳор ҳавоси кирди. Дилин қитқилувчи, қалбларга ажиб бир туйғуларни олиб кирувчи ҳаво. Қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури, майсаларнинг хушбўй исси, ўрик гулининг уфори — барилари хонангизга кириб, гўё қишининг сўнги эртагини, баҳорнинг янги қишини айтишга ошқабётгандек.

Дошқозон атрофида лапарлар, қўшиқлар айтиб, яйраётган қизалоқлар... Кўпқари, хўроқ, қўчқор уриштиришлар, кураш ва бошқа халқ ўйинлари кўз одилдан ўтади. Бугун, истиқлол сабаб Наврўз билан боғлиқ миллий қадриятларимизга янги ранг, янги жилдо берилган нуруний отахонни янада тўлқинлантиради. Даврага отилиб чиқиб, кураш тушгиси, қўшқарида абжирлигини кўрсатиб улоқин олгини келди. Наврўз унга ёшлиқ ғайратини, шижоатини қайтариб бергандек бўлди.

«Баҳор кириб келиши билан мўътабар заминимиз яшил либосга бурканиб, куртаклар очилиши билан ҳар қайси тирик жон, ҳар қайси одам ўзининг она табиат фарзанди эканини чуқур ҳис этади.

(Давоми 3-бетда).

ҲАЛОВАТЛИ ЭЛНИНГ ТАРОВАТЛИ САЙЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз раҳбари Сихат-саломатлик йили деб эълон қилган жорий йилда ҳукуматимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Бу борада кенг кўламли чоратadbirlари амалда татиққ этишга киришилди. Эзуният билан номланган йилда ўтказилаётган Наврўз тантаналарида халқимизнинг инсон ўз соғлигини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асрай олиши билан боғлиқ умр фалсафасига алоҳида аҳамият берилган. Эндилкида давлат, жамият ва барча юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати, куч-қудрати ва салоҳияти Юртбошимизнинг: «Соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади», деган давлати ижобатига қаратилган эътиборлидир.

Карнай-сурнай ва ногоралар салоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Азалдан халқимиз Наврўз кунлари Ёлпасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёримиз бўйлаб бахшлар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойба, қўшиқлар, халқ термолари, аскиячилар пайрови янраган. Катта сайиллар — улоқ чопиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Улкан дошқозонларда кўкдам таомлари пиширилган. Фольклор ва этногра-

фик жамоаларининг рангбаранг, ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, катта ашула, қўшиқ, лапар, ўлан, айтишув, ялла, аскиялар ижросида қадимий ва навқирон байрамимизнинг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари моҳирона акс эттирилади. Саҳна томошалари қизитанган-қизийди. Дорбозлар, масхарабозлар, кўфирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этидилар. Наврўз кунлари далага қўш чиқариш ва ерга уруғ қалаш маросими — экин сайлини ўтказиш халқимизнинг қадимий урфи. Асрий анъаналаримизга кўра айна кунларда дехқонларимиз юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қаламоқда. Ватанимиз бўйлаб гуллар, кўчатлар экиш, кенг миқёсда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Халқимиз хоҳиш-иродаси билан мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши тимсолида ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўлтириши билан мажлисдаги маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, аиниқса, фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини

бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди. Ушбу устувор вазифа ва йўналишларни ҳаётга кенг татиққ этишдан кўзлаган бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборатдир.

Ҳар йили юртимизда қадимий шаҳарларимиз тўйлари, улуг ватандошларимизнинг юбилейлари тантанали нишонланади. Буюк аждодаларимизнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган хайрли тадбирлар амалда оширилади. Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилади. Бу йил мамлакатимизда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Маъмур академиясининг 1000 йиллиги, Ойбекнинг 100 йиллиги кенг нишонланади. Бундай ҳаётбахш саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятига, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, ўзбекистоннинг жаҳон майдонига аъло эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар мужассамдир. Ота-боболаримиз Наврўз кунларида етим-есирларга, бева-бечораларга, муҳтожларга меҳри-

бонлик, саховат ва мурувват кўрсатишган, гина-қудуратлар унутилган. Қуни кеча байрам муносабати билан мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этилди. Ушбу ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тадбирларини бажаришга, хусусан, кўмакка муҳтож инсонлар ва оила-ларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша қўпаяверади, ҳаловатли элга байрам сайиллар ярашади. Табиийки, Наврўз замирида одамларнинг тинчликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари мужассам экани мустақиллик йилларида юртимизда бу улуг аёйёмнинг тикланиши учун қудратли омили бўлди. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадиний чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдирди. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсоний ва байналмилал моҳияти яна бир бор баралла намойн бўлди.

Табиат яшарар ва яшар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзот биланга куч, юрагига янги интилиш, ҳаётга янги, покиза умид ва орзулар бахш этади. Майлонга чиқиб келган болажонларнинг шўхшодон кулгилари, жангдор куй-қўшиқлари, шаллоқ рақслари кишини завқландиради. Уларнинг самимияти беихтиёр давра аҳлига кўчади.

Истиқлол йилларида халқимизнинг ақл-заковатли, кучли, теран идрокли, инжа фазилатли вакиллари кўп қиррали ноҳир маданиятимиз, санъат, ижод ва спортдаги оламшумул ютуқларимиз билан дунёни дол қолдириши, мухтасар айтганда, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни жаҳонаро муносиб равишда намойн этиши учун катта имкониятлар яратилди. Бугун голиб ва музаффар ўғил-қизларимизнинг олам узра донги кенг ёйилмоқда.

Санъат усталари, эстрада юдузлари, ёш санъаткорлар ўзларининг янги, ранг-баранг куй-қўшиқларини, рақс гулдасталарини тақдим этидилар. Уларнинг Ватанини, Наврўзини, баҳор ва муҳаббатни маҳэ этган чиқишларидан диллар жунбуша келди.

Майдон узра таралган шоир бахшилар сўзида, созаюла муганииллар созида, ҳофизлар хонишида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, биз барпо этаётган фарован ва оуда ҳаёт, қудрати тобора ортаётган давлатимиз ва янги ҳаёт сари шахдам одамларнинг жамиятимизнинг бугунги ютуқлари сарафроз этилди. Она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини жонуватимизга янада тарафдор сингирган куй-қўшиқ ва алёрларга мушакбозлик уланиб кетди... Пойтахтимизда бўлгани каби юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Ғулум МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.

СОЗИДАНИЕ И ПРАЗДНИКИ К ЛИЦУ НАШЕМУ НАРОДУ

(Оқончилик. Пачало на 1-й стр.)

С обновлением каждой площади города предусмотрено создать максимальные условия для горожан, особенно молодежи, чтобы они могли хорошо провести свое время здесь. Поэтому целесообразно больше учитывать мнения и желания горожан.

Глава государства ознакомился с благоустройственной работой, проводимой в примыкающем к площади Бешагах Национальном парке Узбекистана. Общая площадь парка — свыше 112 гектаров. Ранее вода была мутная из-за проточного механизма заполнения озера, которое находится в центре парка. Ислам Каримов ознакомился с новым методом работы по заполнению озера, дал соответствующие рекомендации и поручения специалистам.

Анализируя работу по озеленению и благоустройству Национального парка, руководитель страны высказал ряд конкретных предложений. При городском управлении по благоустройству и озеленению необходимо образовать специальный департамент по уходу за Национальным парком.

Нужно составить план полного обновления парка, рассчитанный на пять лет, сказал Президент. Где и какие будут посажены деревья и цветы, в каком месте будут разбиты цветники и аллеи — все это должно быть отражено в нем. При старом режиме ежегодно 19

апреля проводились субботники. Возможно, эта дата соответствует климату России, однако в Узбекистане это время, когда полностью расцветают деревья. Как известно, наши предки посадкой саженьев занимались ранней весной, то есть до пробуждения природы. Мы должны последовать их примеру.

Президент Ислам Каримов также ознакомился с рядом строительных объектов на территории Старого города. Здесь ускоренными темпами продолжается огромная созидательная работа, начиная от инициативы главы государства.

Президент особо отметил, что эти работы, проводимые в Старом городе, направлены на дальнейшее улучшение условий жизни проживающего здесь населения и благоустройство этого массива.

Действительно, за короткий срок совместными усилиями проектировщиков, строителей, дорожников и других специалистов выполнена большая созидательная работа. Вместо узких, кривых улочек появились широкие, ровные дороги, мосты, построены социальные объекты, проведены соответствующие коммуникационные сети.

В частности, коренным образом изменили облик Старого города совместное узбекско-турецкое предприятие «Согбонтекстиль», современная поликлиника, центр «Истеъдод» по интеллектуальному развитию молодежи, спортивный

комплекс и другие объекты культурного и бытового назначения, учреждения образования и воспитания.

Глава государства дал соответствующие указания и рекомендации ответственным лицам по расширению работы в данном направлении. Была отмечена необходимость рационального использования имеющейся площади, разбивать дополнительные сады, строить фонтаны. В целях улучшения условий для продавцов и покупателей на рынке Эски Джува надо построить дополнительные торговые павильоны и другие соответствующие объекты.

Ислам Каримов еще раз отметил, что облик возводимых зданий должен сочетаться с общим видом столицы. Особенно надо обратить на это внимание при строительстве таких объектов, как Дом моделей, Центр детского творчества, смотровая площадка.

Глава государства, осматривая проводимую работу в парке имени Абдуллы Кадри, подчеркнул, что этот парк должен стать любимым местом отдыха населения Старого города, особенно детей.

Созидание и праздники к лицу нашему народу. Это еще раз подтверждают масштабные работы, проводимые в республике, в частности, в столице, а также широкое празднование Навруза.

Ғулум Мирзо, Норади Ачилов, корр.ЎзА.

ЯРАТИШ ИШҚИГА ҲАМОҲАНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол шарофати билан юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Аини пайтда барча жамоаларда бўлгани каби ҳарбий қисмларда ҳам ушбу тантана кенг миқёсда, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Газетамизнинг биринчи саҳифасидан ўрин олган шартнома бўйича хизматчилар — кичик сержант Дилмурод Жалолов (ўғилчаси билан) ва Убайдулла Ширинов (қизалоғи билан)ларнинг суратларига бир назар ташланг-а. Осойишталик бор жойда гўзаллик, бунёдкорлик ривож топади, деган гапнинг нақадар ўринли айтилганини аглаб этасиз. Ахир побонларимизнинг заҳматли ва машаққатли хизматлари ҳам келажак ворисларимизнинг ана шундай беғубор, баркамол вояга етишлари, осойишталигига ҳеч ким раҳна солдмасликлари учун-да!

Наврўз айёмининг ўзига хос томонларидан яна бири, байрамга ўзгача тайёрланиш кўришида ҳамдир. Юртимизда тантана олдидан барча жойларни ободонлаштириш, яъни умумхалқ ҳашари ўтказиш анъана тусини олган. Ушбу суратларда ҳашардан олинган лавҳаларни кўриб турибиз. Аҳамиятлиси шундаки, бунда бутун жамоа ягона оиладай бирлашиб, меҳнат қилишади. Ҳарбий қисм ҳудудини тозалаш, атроф-йўлақларни тартибга келтириш ва бошқа барча ишлар биргалликда амалга оширилади.

Қисм ҳудудидида жойлашган ҳарбий шаҳарча атрофини ободонлаштириш ишларида жажжи болажонларимиз ҳам иштирок этиб, енгилроқ юмушларни бажаришмоқда. Шартнома бўйича хизмат сержантлари Анвар Мамаражапов ва Юнус Мардиевлар эса бу борада асосий ишларни зиммаларига олишган.

Наврўз таоми — сумалак пиширишга тайёргарлик кўраётган Наргиза Михайловага ёнидаги ширинтой беминнат дастёр. Умуман, сумалак тайёрлаш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам унда кўпчилик иштирок этади. Аёлларга оғирлик қиладиган ишларни бу жараёнда эркаклар урдалашади.

Хоразм вилоятидан хизматга қақриланган Шайхназар Аллаберганов эса даракларни оқлаб чиқяпти. Шартнома бўйича хизмат олдиди аскар Юлдуз Ҳамидова гулларни парварниш қилишни жуда яхши кўради. Шу боис бугунги тадбирда унга ана шу севибли машғулотни ишониб топширилган.

Хуллас, айёмни муносиб қарши олиш учун тайёргарлик юқори савияда. Ушбу ҳолатни ўлкаимизнинг барча ҳудудларида, барча ҳарбий жамоаларда кўришишга мумкин.

Ҳа, эзгуликни шиор деб билган, юраклари бунёдкорлик, яратиш ишқига ҳамоҳанг тепаётган, узоқни кўзлаган халқ ана шундай йўл тутди. Таилаган йўлинг равон ва мунаввар, Наврўзнинг қутдуг келсин, она халқим!

Лейтенант Я. КОМИЛОВ, Александр МРУЧАК олган суратлар.



Капитан Сарвар Норов бошчилигидаги тўпчилар дивизиони жамоаси яқинлашиб келаятган баҳорги синов машғулотларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Қўш ойларида ўтказилган дала-ўқув машқларида улар ўз билим ва кўникаларини синовдан ўтказишди.

ТЎПЧИЛАР — ДАЛА МАШҚЛАРИДА

Уларнинг тўпни жанговар ҳолатга келтириш бўйича нормативларини аъло тарзда урдалаш яхши таассурот қолдириди. Сафдошларига ўртак кўрсаткичлар орасида яқинда тайёрлаш мактабда тахсил олиб қайтган секция командири шартнома бўйича хизмат кичик сержант Махмуд Турдибековни айтиб ўтса

арзийди. Муддатли хизмат аскарларидан ўзининг аниқ ва далил ҳаракатлари билан командининг олқишига эришганлар — номер ҳисобловчиси олдиди аскар Сунаатилло Асатуллоев, разведкачи олдиди аскар Шомирзо Ражабовларди. Дивизион таркибидидаги батареялар орасидида муеобақа дала-ўқув машқларининг муваффақиятли ўтишини

дай қутиб олишгани хусусида бироз тўхталасак. Давлат, жамоат ташкилотларидаги вакиллар келишиди. Қисмида сумалак тайёрланди. Байрам дастурхони тўзланди. Ҳа, илгорларга байрам, байрамона кайфият ярашади. Эндиги марра марамуннинг баҳорги синовларини. Ишонимизки, тўпчилар бу довонин ҳам ютуқлар-ла забт этажак.

Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Энг илгор гуруҳ командири ҚАТЪИЙ МАҚСАДЛИ ЎҒЛОН

Лейтенант Муҳаммадсоли Якубов юртимиз Куролли Кучлари доврнини жаҳонга ёйишни мақсад қилиб, астойдил олга интилаётган ёш, умидли офицерлардан. Унинг жанговар сафарларда хизмат фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 2004 йилда битириб, хизматни бошлагани ва шу йиллик Шимоли-ғарбий ҳарбий округида «Энг илгор гуруҳ командири» деб топилганига эътибор қаратасак, Муҳаммадсолининг ғайрат-шижоати қай даражада жўш ураётганини бемалоқ аглаб етамиз. Аълочи ва моҳир, юрт тақдирини ўз тақдири деб билдирган бундай фидойи ўғуллар билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. У эртанги кун давомчиларидан, армияимизнинг келажиги, Ватанимиз осойишталиги посбонларидир. Келинг, ўзида ана шундай эзу фазилатларини жам этган фаол офицер Муҳаммадсоли Якубов билан яқинроқ танишайлик.

Қаҳрамонимиз 1983 йил Андижон вилоятининг Марҳамат тумани Деҳқонобод қишлоғида дунёга келди. Отаси Ҳабидулла опа эа дайловчи, онаси Ҳалимахон опа эа йу ё бекас бўлиб, улар Муҳаммадсолининг эл-юртга муносаб фарзанд бўлиб етишишида бор куч-ғайратини амалга оширдилар. Оилада иккинчи фарзанд бўлган Муҳаммадсоли акиси Ҳамидуллога эрганиб, лицейда тахсил олди. Билимга чанқоқ ўсмир фаилларни ўзлаштириши билан бирга турли китоблар мутулаасига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Унга аиниқса, тарихий асарлар, ҳарбий мавзудиги жангонмалар, саркардалар фаолиятидан ҳикоя қилувчи китоблар кўпроқ манзур бўларди. Шунингдек, ҳарбийча ҳаёт акс эттирилган кинофильмлар ва кўрсатулар ҳам тобора кўпроқ мароқ бағишларди. Хуллас, Муҳаммадсоли асли эр интигилар касби — ҳарбийликка қизиқиб қолди. Вояга етиб борган сари бу қизиқиш қатий мақсадга айланди. Ота-онадан олган тарбия, устозлар берган билим унинг қалбидидаги ватанпарварлик, юртга садоқат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлади. Муҳаммадсоли кўзлаган мақсадига эришиш учун чуқур билим ва мустаҳкам жисмоний тайёргарликка эга бўлиш зарурлигини тушуниб етган эди. Ахир ҳарбийлик кишидан жуда кўп нарсани талаб қилади.

сагани йўқ. Шу тариқа Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртига йўл олдими ва курсант деган юмга муносаб топилди. Уша пайтдаги ҳолатимни тасаввур қилсангиз эди! Шодлигим осмон янгли, меҳдан, мен қатори ўқишга қабул қилинган сафдошларимдан бахтли кимса йўқдек эди, на заримда. Билим юртида жуда кўп нарсга ўргандим. Устоз офицерлар — подполковник Эркин Тағиев, капитан Ульян Тимофеев, катта лейтенант Мансур Мамадалиев ва бошқа ўқитувчи ва командирларимдан бир умр миннатдорман. Улар мени тўғри йўналтириб, ҳар томонлама шаклланишимда ёрдамларини аяшмади. Курсанглигимда эришган енгил атлетика машқларидан 1-разряд, қўл жанги маҳоратларининг ўсиб бориши, отиш машғулотларидаги аъло натижаларда уларнинг ўрнатганлари, ёрдамлари беқисс бўлди. Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган қадим Самарқанд умрим зарварларида ёрқин из қолдирган даврларимга гувоҳ. Уша ерда ўқиб юрганымда самарқандлик гўзал бир қиз билан танишган эдим. Кейинчалик уни севиб қолганимни агладим. Шундан кейин шунимиз Муҳаммад Юсуф шеърларини мутулаа қилиб, назм дунёсига ошно бўлдим. Бунга мени урдалган туйғу, тилга олагани муҳаббат эди. Ҳозир ундан узоқда бўлсамда, севиб юрагимда ялашди. Тез-тез хабарлашиб тураимиз. Вақти-соати етиб тўй қилсак, барча дўстларимни таклиф қиламан.

Лейтенант М.Якубов ҳарбу зарб илмини қанчалик пухта ўзлаштирган бўлса, бошқа соҳаларда ҳам доим илгорликка интилади. Жумладан, унинг она тилидан ташқари рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашиши, географияга қизиқини юксаклиги боис ҳарбий топография ҳамда жаҳон сиёсати, техника, санъат, адабиятга доир билимларининг тараққиғи сўзларимизни исботлаб турибди. Билимдонлиги сабабли у ўзи хизмат қилаётган қисмда алоҳида ҳурмат қозонган. Бироқ шундай бўлсада, ҳамон ўрганишни, тахсилни су-саятирмаган.

— Жанговар сафарларда бизга устозлик қилаётган катта офицерлар — подполковник Ҳ.Каримов, майор А.Бозоровлардан миннатдорман, — деди Муҳаммадсоли. — Округда илгорликка эришимизда уларнинг ҳам ҳиссаси катта. Чунки ўз тажрибаларини, маҳоратларини мени каби ёш офицерларга доимо ўргатади, татиққ этиб келишади. Бундан ташқари кюксак натижага эришимизда профессионал ҳарбий хизматчи — сержантларнинг ҳам ўрни беқисс. Бу миллий армияимиз тараққиғи йўлидан тўғри бораётганини билдиради. У мақсади, мустаҳкам эътиқоди ва бурчига доми содиқ бўлиб ўғуллар она Ватанимизнинг асл мардларидир. Улар билан ҳар қанча фахрланасак, гуворанасак арзийди. Улар асли посбонлар, юрт осойишталигига кўксин қалқон боғтирларидир. Элимизнинг шундай таҳқулдорлари бор экан, тинчлигимизга ҳеч ким таҳдид солмайдми. Лейтенант Ёшми ҲАКИМОВ.

Сиз кутган учрашув



РАЙХОННИНГ БАҲОРИЙ СОВФАСИ

Офицерлар марказий саройига яқинлашар эканман, беихтиёр ушбу бино томон кетаётган икки қизнинг сўхбатини эшитиб қолдим.

Унинг концертига бирон марта тушишни имконияти бўлмаган, менда. Бу ерда эса айнан севимли санъаткор билан учрашув бўларкан. Эшитиб, жуда қувондим.

Менга ҳам унинг кўшиқлари жуда ёқди. Айниқса... — деди-ю, бир кўшиқни озгина ҳиргойи қилди.

Тўғриси айтсам, юқоридаги хониш кўпчилик қатори менга ҳам яхши таниш эди.

...Хашаматли бино залидан. Таниқли хонанда билан учрашув бошланганига ярим соатдан кўпроқ вақт борлигига қарамай ўриндиқлар банд.

Мана, саҳна пардалари очилди-ю, тал-бир бошловчи мەҳмони таништирди. Гулдурос қарсақлар остида саҳнага юртимизнинг таниқли хонандаси, лаъофатли ва мафтункор, бетакрор овоз соҳибаси, кўшиқчи ва бастакор Райхон Ғаниева чиқиб келди.

«Азоблайсан»; энг ёқтирган санъаткор поп-музыка қироли Майкл Жексон. Тадбирнинг аввали савол-жавоблар билан кечган бўлса, сўнгра хонанданинг энг сара кўшиқлари янгради.

Самимий тарзда ўтган учрашув сўнгда Мудофаа вазири Муҳаммаднинг ишлар хизмати — Офицерлар марказий саройи бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев, меҳмонга ташириги учун миннатдорчилик билдириб, эҳдлик совғаларини топширди.

Ишончим комилки, ушбу учрашувда қатнашганлар ундан олам-олам таассурот олишди ва бу воқеани узоқ вақтга эслаб юришди.

Томошабинлар кўтаринки кайфиятда залини тарқ этаётган бир пайтда хонанда билан сўхбатлашганига ошиқдим.

Авалло, баҳор айёми билан табрик-ламоқчиман. Айтинг-чи, ушбу байрамда айнан қандай совға олишни хоҳлардингиз? — Тўғриси айтсам, мен учун совғанинг арзон ё қимматлиги, ҳақиқи аҳамиятига. Асосийси, берилаётган нарсани, айтилаётган табрик ва тилаклар чин қилганидан чиқсин.

Бизнинг эстрадада айнан шундай рақобат мавжудлигидан жуда хурсандман. Демократикани, биз — санъаткорлар орасидаги муносабатлар дўстона бўлиб, доим бир-биримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

— Ҳаётда Райхон нимани жуда ёқтиради ва ақсинча, нима уни раижитади? — Романтикани, баҳор ва гуллари, умуман табиати ёқтираман. Энг ёмон кўрганам эса, ёлгон ва соқчиликдир. Мен учун улардан кўра даҳшатлироқ нарсаси йўқ.

— Кетажакда, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар ижро этишни режалаштирдингизми? — Ҳа. Айтишнинг мумкинки, янги альбомимга айнан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси акс эттирилган кўшиқларим ҳам киритилади.

— Ҳа. Айтишнинг мумкинки, янги альбомимга айнан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси акс эттирилган кўшиқларим ҳам киритилади. Меннинг репертуаримда бундай кўшиқ борлигидан хабардорсиз. Бу — «Узбек ўғли» бўлиб, шеър Ширин Ғофурова ва қаламига мансуб. Муסיқасини эса ўзини басталаганман. Дарвоқе, уни сўнги концертимда ҳам ижро этдим.

— Ҳа. Айтишнинг мумкинки, янги альбомимга айнан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси акс эттирилган кўшиқларим ҳам киритилади. Меннинг репертуаримда бундай кўшиқ борлигидан хабардорсиз. Бу — «Узбек ўғли» бўлиб, шеър Ширин Ғофурова ва қаламига мансуб. Муסיқасини эса ўзини басталаганман. Дарвоқе, уни сўнги концертимда ҳам ижро этдим.

— Ҳа. Айтишнинг мумкинки, янги альбомимга айнан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси акс эттирилган кўшиқларим ҳам киритилади. Меннинг репертуаримда бундай кўшиқ борлигидан хабардорсиз. Бу — «Узбек ўғли» бўлиб, шеър Ширин Ғофурова ва қаламига мансуб. Муסיқасини эса ўзини басталаганман. Дарвоқе, уни сўнги концертимда ҳам ижро этдим.

ХАЛҚИМИЗ ШОДЛИГИГА ШОДЛИК УЛАШИБ

Қадамида шодлигу қувонч билан замин эгаларига ғайрату шижоат улашиб, бетакрор гўзаллик соҳибаси бўлган Наврўз кийиб келди юртимизга.

Минг йиллик анъаналаримизни бағрига синдириб, яна ҳар гал оҳори билан элимизга қайтадан бу азиз байрам барчамиз учун табарруқ. Шу сабабли уни ҳар баҳор интиқлик ила кутамиз. Бу йил ҳам худди шундай. Кўплаб хонандолардан сумалакнинг муатбар бўйи тарқамоқда, оила соҳибалари кўккам неъматлари бўлиши кўк сомаю кўкчучура тайёрлаш билан банд. Гўзал қизларимизнинг камалак қошиқларини ўсмаю, қизлоқларимизнинг жамалак сочларини топпоқлар бегазан. Йуллари боғлар, ҳовлино гулзорларда Наврўз ташири олдидан ободонлаштириш ишлари қизини. Хуллас, кимнинг қўлидан янгилашни ва яшарлиқ фаслида қандай эгзу иш келса, шунини бажаришга ҳаракат қилади ушбу дам.

Пойтахтимиздаги Наврўз сайилгоҳлари эса созанаю хонандаларнинг куй кўшиқлари, рақосларнинг хиромларига мунозаир. Байрам кунини юртимизнинг энг таниқли санъаткорлари, эл севган санъаткорлар халқ хизматида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг ҳам салмоқли ўрни бор бу давраларда.

Чуноки ушбу ансамбли санъаткорлари республикамиз бўйлаб ўтказиладиган барча байрам тантаналарида ўзларининг бетакрор чиқишлари билан халқ меҳрини қозongan.

Албатта ҳар бир байрамнинг ўз руҳи, шуқуши, уни элдиги етказувчи куй-кўшиқлари бўлади. Баҳор — Наврўз шодлисидак энг гўзал кўшиқлар таралади заминга. Нега деганда бу фасллар маликасининг

ташири шоирларга гуллар ифоридак шеърини илҳом бахш этса, созанаю хонандаларга булбул хонишдек наволар тақдим этади. Яъни, янгилашни фаслида Наврўз давраларида янги-янги кўшиқлар куйланади. Бу борада Қурулди Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг режалари қандай? Ҳарбий санъаткорларимиз ушбу улғу айёмда пойтахтимизнинг қайси гушаларида халқимизга ўз санъатларини намойиш этишди. Биз юқоридagi савол билан Мудофаа вазири Ширин Ғофурова билан кўшиқчи ва бастакор Райхон Ғаниева чиқиб келди.

— Наврўз айёми элимизнинг энг муқтоз, энг севимли байрамларидан. Бу байрам кесакю ёшга бирдек ардоқли. Юртимизнинг барча гушалари қатори ҳарбий жамоаларда ҳам унга алоҳида тайёрлик кўрилади. Ҳатто руҳ билан ўтказилади. Албатта, юртимизнинг улғу айёмидаги куй-кўшиқларнинг саваблари ҳақида қўшиқчиларимизни куй-кўшиқларини куйиб келди.

— Наврўз айёми элимизнинг энг муқтоз, энг севимли байрамларидан. Бу байрам кесакю ёшга бирдек ардоқли. Юртимизнинг барча гушалари қатори ҳарбий жамоаларда ҳам унга алоҳида тайёрлик кўрилади. Ҳатто руҳ билан ўтказилади. Албатта, юртимизнинг улғу айёмидаги куй-кўшиқларнинг саваблари ҳақида қўшиқчиларимизни куй-кўшиқларини куйиб келди.

— Наврўз айёми элимизнинг энг муқтоз, энг севимли байрамларидан. Бу байрам кесакю ёшга бирдек ардоқли. Юртимизнинг барча гушалари қатори ҳарбий жамоаларда ҳам унга алоҳида тайёрлик кўрилади. Ҳатто руҳ билан ўтказилади. Албатта, юртимизнинг улғу айёмидаги куй-кўшиқларнинг саваблари ҳақида қўшиқчиларимизни куй-кўшиқларини куйиб келди.

— Наврўз айёми элимизнинг энг муқтоз, энг севимли байрамларидан. Бу байрам кесакю ёшга бирдек ардоқли. Юртимизнинг барча гушалари қатори ҳарбий жамоаларда ҳам унга алоҳида тайёрлик кўрилади. Ҳатто руҳ билан ўтказилади. Албатта, юртимизнинг улғу айёмидаги куй-кўшиқларнинг саваблари ҳақида қўшиқчиларимизни куй-кўшиқларини куйиб келди.

кўрсатган артист Марат Ҳакимов, Қорақалпоғистонда хизмат қилган артист Камолитдин Раҳматов, Ирода Исқандарова, Озодбек Назарбеков, Зафар Бобоқонов, моҳир созоналар Фарҳод Азимов, Одил Ғозиев, рақоса қизларимиздан Шаҳноза Нажмиддинова, Зухро Шамшиқова, Нарғиза Иброҳимова, ансамбль суҳандони Баҳром Маҳмудовларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Санъаткорларимиз байрам кунини нафақат янги куй ва кўшиқлари билан балки, халқимиз меҳрига сингиб кетган муқтоз ашула ва рақслари билан ҳам эл хизматида бўлишди. Уларнинг чиқишларини юртдошларимиз шундай улғу айёмида шодлиқларига шодлик улашиб хизмат қўрсатиши.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

НАВРУЗА ЯРКОЕ СИЯНИЕ

Торжество немало самых разных. И все на диво хороши. Но ведь Навруз — не только праздник, А состояние души...

Когда она, где бы ты ни был, Не знает отдыха и сна. В ней отражается синь неба, Хрустальных вод голубизна...

И столько здесь высоких истин Нашли свой смысл, так жить веля, Как дружески, светло и чисто Жизнь продолжает махалля...

Лишь в ней, любимиче Навруза, И дел и мыслей торжество, Где душ и помыслов союзом Дух обретает естество...

Вот так сливается потоком Ручьев журчанье на Востоке. Какая сила может течь В единстве миллионов плеч!..

Анатолий АНИСИМОВ.

ЗЕМЛЯ В ЦВЕТУ

Навруз — цветения страда. Навруз — восточа красота. Гремни, карнай, сурнай, вешай, Смахни усталости печаль...

Бери проросшее зерно, Пусть нам всегда несет оно Как вечный, давний предков зов — Дары Богов...

Когда дымком струится злак И пир горой, где сумалак, Душа к душе — здесь махалля, Цвети, страна, цвети, земля.

И счастлив будь тот труд людской, Где только в праздники — покой. Навруз, к традициям взывай, Край наш, садами расцветай!..

Людмила АВРАЛЕВА.

ВОСТОЧНЫЙ ПРАЗДНИК

На свете много тоев разных, Но самый яркий на земле — Навруз, большой восточный праздник, Рожденный в солнечном тепле.

Я рад, когда поют карнай, Веселью, танцам нет конца, Когда взаимопониманьем Любовью полнятся сердца.

Улыбки, песни, угощения, Наряды броские кругом. И торжествует Всепрошенье За шумным дружеским столом.

И забываются печали Давнишних и вчерашних ссор, Пиалы сказочного чая Скрепляют мирный разговор.

Святое братство полной мерой, Как добрый гость, заходит в дом. Согласье, Дружба и Доверье Живут в моем краю родном.

Мирон ДОКТОРОВ, поэт-фронтвик.

О НАВРУЗЕ — ОТЕЦ И СЫН РАХМОНОВЫ

В канун праздника Навруз в Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан открылась художественная выставка работ известного художника Садыка Рахмонова и его сына, начинающего художника Самгана Рахмонова.

В выставочном зале музея царит праздничная атмосфера. В каждом представленном полотне есть своя тема Навруза — времени ярких красок, цветущих садов, обновления.

Более двадцати картин Садыка Рахмонова знакомят зрителя с его творчеством. Здесь есть работы, посвященные традициям нашего народа, например триптих «Навруз». Звучат карнай и сурнай, соревнуются палваны в силе и ловкости, кипит в огромном казане сумалак. Пришла весна. Пришел на нашу землю Навруз — символ вечного обновления природы, самой жизни.

Есть на выставке работы с историческими сюжетами — «Царская охота на оленей», где изображена сцена охоты при дворе Амира Темура.

Особо отличны работы Садыка Рахмонова, посвященные Алишеру Навои: «А. Навои. Раздумья», «Диалог» между А. Навои и Хусеином Байкаро и «Почести поэту».

Сюжет картины повествует о том, как, прочитав и высоко оценив «Пятирису» Алишера Навои, Хусейн Байкаро на своем белом коне торжественно провоз автор по улицам Герата, воздав тем самым высокую честь поэту, выразив ему свое глубокое почитание и восхищение, уважение и любовь.

На выставке также пред-

ставлены работы «Праздник», «Лазги», «Барабанщики», «Хорезмские музыканты», «Вдохновение».

Серия работ «Сукок» выполнена в характерной для Садыка Рахмонова манере — в национальном колорите. Эти картины тонки, лиричны: «Встреча», «Свидание», «Закат», «Возвращение с работы».

Садык Рахмонов родился в 1950 году в Ташкенте. Он выпускник Республиканского художественного училища, которое закончил в 1970 году (отделение живописи), закончил факультет декоративно-монументального искусства Ташкентского театрального художественного института.

Он член творческого объединения при Академии художеств Республики Узбекистан, постоянный участник республиканских и международных выставок, проходившей во Франции и посвященной 660-летию Амира Темура.

Некоторые произведения Садыка Рахмонова находятся также в Лондоне в Галерее мусульманского искусства «Замона».

В 2001 году С. Рахмонов стал обладателем серебряной медали Академии художеств. Его картины находятся в государственных собраниях — в коллекциях музеев г. Ташкента. В частности, в одном из залов Центрального музея Вооруженных Сил есть панно «Вклад Узбекистана в победу в войне с фашизмом 1941—1945 гг.».

Работы мастера выставлены также в Галерее Национального банка Узбекистана, государственных и частных собраниях США, Великобритании, Франции, Бель-



Фото Ярослава КОРУКИ.

Вақтинча бош муҳаррир вазирасини бажарувчи подполковник Камил Мирғалаутдинов. Телфонлар: Бош муҳаррир ўринбосари — 56 17 98; масъул котиб — 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилоти билан алоқа бўлими — 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56 03 48; социология ва реклама бўлими — 56 54 76. Обуна бўлими — 56 03 46. Навбатчи — 56 09 81.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Таҳририят фикри муаллифлар нуктаи назаридан фарқланши мумкин. Таҳририятта келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатда олинган. Буюртма № 102 Р. Адади 22620.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 21-уй. E-mail: yatan@rol.uz «Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида терилди ва сақдаланди. «RASTR» ҚҚ боёмахонасида чоп этилди. Боёмахона манзили: Тошкент ш., Юнусов, Муродов кўчаси, 1-а.